

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

РАХИМОВ ФАРРУХ МОВЛИДИНОВИЧ

**ЛИНИЯЛАРНИ УНИФИКАЦИЯЛАШ АСОСИДА ҚИШЛОҚ ЭЛЕКТР
ТАРМОҚЛАРИНИНГ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИ ВА
ИШОНЧЛИЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.05.07 – Қишлоқ хўжалигида электр технологиялар ва электр ускуналар

**ТЕХНИКА ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor
of philosophy (PhD) on technical sciences**

Рахимов Фаррух Мовлидинович

Линияларни унификациялаш асосида қишлоқ электр тармоқларининг
энергия самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш..... 3

Рахимов Фаррух Мовлидинович

Повышение энергоэффективности и надёжности сельских электрических
сетей на основе унификации линий..... 21

Rakhimov Farrukh Movlidinovich

Improving the energy efficiency and reliability of rural electricity networks
through unified lines 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

РАХИМОВ ФАРРУХ МОВЛИДИНОВИЧ

**ЛИНИЯЛАРНИ УНИФИКАЦИЯЛАШ АСОСИДА ҚИШЛОҚ ЭЛЕКТР
ТАРМОҚЛАРИНИНГ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИ ВА
ИШОНЧЛИЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.05.07. – Қишлоқ хўжалигида электр технологиялар ва электр ускуналар

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Т1642 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат кончилик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiiame.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Таслимов Абдурахим Дехканович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юсубалиев Аширбой
техника фанлари доктори, профессор

Қодиров Дилшод Ботирович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзэнергоинжиниринг АЖ

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 27 феврал соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+998-71)237-09-45; факс: (+998-71)237-38-79, e-mail: admin@tiiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (156 -рақами билан рўйхатга олинган) (100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+998-71) 237-09-45; факс: (+998-71)237-38-79, e-mail: admin@tiiame.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «18» феврал куни тарқатилди.
(2021 йил «18» феврал даги 3 рақамли реестр баённомаси).



Б.С.Мирзаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

У.Т.Кузиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д. (PhD), доцент

Х.М.Муратов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни зарур миқдорда электр энергияси билан ишончли таъминлаш бўйича белгиланган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш қишлоқ хўжалиги электр тармоқларини янада ривожлантириш, жумладан қишлоқ жойлардаги истеъмолчилар электр таъминоти ишончилигини ошириш ва узатилаётган электр энергияси сифатини ошириш учун кабель линияларидан фойдаланишни талаб этади. Бу йўналишда қишлоқ электр тармоқлари элементларини танлаш усулларини такомиллаштириш катта аҳамиятга эга¹. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалиги истеъмолчиларига кабель тармоқлари ёрдамида электр энергияси етказиб бериш ва қишлоқ электр тармоқларини лойиҳалаш, реконструкция, модернизация қилиш ва ишлатишда уларнинг оптимал параметрларидан фойдаланиш орқали линиялардаги исрофларни камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон энергетикасини ривожлантиришда янги электр тармоқларини қуриш, мавжуд электр тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалиги ҳудудлари электр истеъмоли ва юкламаларининг сезиларли ошиши сабабли, уларнинг электр таъминоти тизимида электр энергия исрофларини камайтириш, ҳамда энергия ва ресурс тежамкор технологияларни жорий қилиш йўналишларидаги ишларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу йўналишда мамлакатимиз қишлоқ электр тармоқларини оптимал қуриш билан электр энергияни узатиш ва тақсимлаш самарадорлигини таъминлаш, электр таъминоти ишончилигини ошириш, айниқса паст кучланишли электр тармоқларида электр энергия исрофларини сезиларли даражада камайтириш долзарб ҳисобланади.

Республикамиз электр энергетикасини ривожлантиришда тизимнинг асосий параметрларини танлаш учун замонавий ёндашувлардан фойдаланиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, жумладан қишлоқ электр тармоқларини оптималлаштириш, янгилаш ва ишончилигини ошириш усулларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида « ...иқтисодиётнинг энергия ва ресурслар сифимларини қисқартириш, иқтисодиёт тармоқларида энергия сарфини камайтиришнинг мақсадли параметрларига мувофиқ амалга ошириладиган энергия тежовчи технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш,... »² вазифалари белгиланган. Бу вазифаларни бажариш учун хусусан, электр тармоқларининг оптимал параметрларини аниқлаш, уларнинг ишончилигини оширишда назарий ва илмий ишларни олиб бориш ҳамда қишлоқ электр тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, модернизация қилиш ва

¹<https://www.energy.gov/sites/prod/files/oeprod/DocumentsandMedia/primer.pdf>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ишлатиш бўйича тегишли тавсиялар олиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 23 октябрдаги ПҚ-3981-сон «Электр энергетикасини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора – тадбирлари тўғрисида»ги ва 2016 йил 23 ноябрдаги ПҚ-2661-сон «2017 – 2021 йилларда паст кучланишли электр тармоқларини янада модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Электр энергетика, шаҳарлар, саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалиги электр таъминоти тизимлари элементларининг параметрларини танлаш бўйича И.С.Бессмертный, М.Д.Каменский, Г.В.Некрасов, В.Г.Сербиновский, В.М.Холмский, Н.С.Хрущев, В.А.Козлов, В.Д.Лордкипанидзе, В.А.Веников, И.М.Маркович, Ю.Н.Астахов, В.А.Строев, А.А.Глазунов, Э.Н.Зуев, И.А.Будзко, М.С.Левин, Б.И.Кудрин, Т.Б.Лещинская, Д.Д.Карасев, И.Г.Гордиевский, В.И.Свешников, А.Н.Киселев, С.А.Гордин, С.Н.Ефентьев, Р.В.Солопов ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Ўзбекистонда энергетика ва электр таъминоти тизими элементларини оптимал танлаш усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш масалаларига йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотларга ҳисса қўшганлар: Х.Ф.Фозилов, Т.Х.Носиров, К.Р.Аллаев, Т.Ш.Гайилов, Р.А.Сиддиқов, А.Д.Таслимов, Х.М. Муратов, А.Ж. Исақов, Ш.М. Музаффаров, А.Юсубалиев ва бошқалар шуғулланишган.

Қишлоқ хўжалиги тақсимловчи электр тармоқлари параметрларини танлашда чегараланишлар, параметрларни унификациялаш тамойили ва тармоқни ривожланишини ҳисобга олиб, қишлоқ электр тармоқларини мақбул равишда қуриш муаммолари, шунингдек кабель линияларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ истеъмолчиларини электр таъминоти ишончилигини ошириш муаммолари етарлича ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилиқ институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №3.8 «Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмолида электр энергиядан фойдаланиш самарадорлигини ошириш технологияларини яратиш» (2017-2020) мавзусидаги топшириғи доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ электр тармоқларининг энергия самарадорлиги ва ишончилигини линияларни унификациялаш асосида ошириш ҳамда қишлоқ истеъмолчилари электр таъминотини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қишлоқ электр тармоқларининг ўзига хос хусусиятлари ва электр истеъмолчилари юкламасининг доимий ошиб бориши сабабли қишлоқ хўжалигида кабель электр тармоғининг оптимал ривожлантириш тенденциясини аниқлаш;

динамик дастурлаш усуллари қўллаган ҳолда қишлоқ электр тармоқларида кабель линияларини оптимал ривожлантириш тадқиқотлари моделини ишлаб чиқиш;

чегараланишлар таъсирини ҳисобга олиб ва олмаган ҳолда кабель линияларнинг кесим юзаларини мавжуд шкаласи учун юкламаларнинг иқтисодий интерваллари чегараларини ўрганиш;

иқтисодий интерваллар усули билан қишлоқ электр тармоқларининг стандарт кесим юзаларининг мақсадга мувофиқ шкаласини ўрганиш ва ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги истемолчиларини кабель линиялари билан электр таъминотининг ишончилиқ кўрсаткичларини ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қишлоқ ҳудудида жойлашган 0,38 ва 6-10 кВ кучланишли тақсимловчи электр тармоқлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети қишлоқ электр тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, модернизация қилиш ва ишлатиш босқичларида кўриб чиқиладиган паст кучланишли электр тармоқларининг мақбул параметрлари ҳамда қишлоқ истеъмолчилари электр таъминоти ишончилиги кўрсаткичларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида динамик дастурлашнинг классик оптималлаштириш усуллари, иқтисодий интерваллар ва энг кичик квадратлар ҳамда ишончилиқни баҳолашнинг статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қишлоқ электр тармоқларидаги кабель линияларининг ўзгарувчан юкламаларини ҳисобга олган ҳолда оптимал ривожлантириш модели ишлаб чиқилган;

қишлоқ электр тармоқларида электр энергия йўқотишларини камайтириш имконини берувчи кабель линиялари кесим юзаларининг оптимал шкаласи аниқланган;

қишлоқ жойларда қўлланиладиган кабель электр узатиш линияларининг ишончилиқ кўрсаткичларини аниқлаш имконини берувчи дастурий ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

қишлоқ электр тармоқлари кабелларининг дастлабки кесим юзаси минимал юкламаларни, охириги кесим юзаси эса амалдаги максимал юкламаларини ҳисобга олган ҳолда асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ кабель электр узатиш линияларининг энг мақбул ривожланиш тенденцияси аниқланган;

иктисодий интерваллар усулидан фойдаланган ҳолда қишлоқ жойларда электр тармоқлари кабелларининг кесим юзаларини танлаш усули ишлаб чиқилган;

қишлоқ электр тармоқларидаги кабель линиялари учун кесим юзаларининг стандарт оптимал шкаласи ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги оптималлаштириш усуллари (динамик дастурлаш, иктисодий интерваллар) амалий қўлланилиши, қишлоқ хўжалиги истеъмолчилари учун электр энергия таъминоти ишончилигини баҳолашнинг статистик усуллари билан олинган натижаларнинг хорижий амалий ечимлар билан мос келиши ва уларни амалиётга жорий этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти динамик ўзгарувчанлик шароитида кабель электр тармоқларининг энг мақбул ривожланиш тенденцияси ҳамда кабель кесим юзаларининг мақбул шкаласини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган усул ва қишлоқ хўжалиги истеъмолчилари учун электр энергия таъминоти ишончилиги кўрсаткичларини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти линияларнинг тавсия этилган стандарт кесим юзаларидан фойдаланиш ҳамда электр таъминоти ишончилигини баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган усул ва тавсияларни қишлоқ хўжалигидаги электр тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, модернизация қилиш ҳамда уларни ишлатишда қўллашдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ электр тармоқларининг энергия самарадорлиги ва ишончилигини линияларни унификациялаш асосида ошириш бўйича олинган натижалар асосида:

қишлоқ электр тармоқларидаги кабель линияларини динамик ўзгарувчан юкларни ҳисобга олган ҳолда оптимал ривожлантириш модели асосидаги тавсиялар «Тошкент ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг 2020 йил 21 октябрдаги №03-05-3-5591-сон маълумотномаси). Натижада 10/0,38 кВли трансформатор подстанциялари шинасидаги 1 кВт юклама учун солиштирма электр энергия исрофи қийматини 15 кВт·с/йил гача тежаш имкони яратилган;

қишлоқ электр тармоқларидаги кабель линиялари кесим юзаларининг оптимал шкаласи бўйича асосланган тавсиялар «Тошкент ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг 2020 йил 21 октябрдаги №03-05-3-5591-сон маълумотномаси). Натижада битта туман учун йилига 427500 кВт·соат электр энергия тежалган ва 126 млн. сўмлик иктисодий самара олиш имконини берган;

қишлоқ кабель линияларининг ишончилиги кўрсаткичларини ҳисоблаш усули «Тошкент ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖда

жорий килинган (Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг 2020 йил 21 октябрдаги №03-05-3-5591-сон маълумотномаси). Натижада қишлоқ электр тармоқларида ҳаво линиялари ўрнига кабель линияларидан фойдаланиш электр таъминоти ишончилигини 1,5 мартаба ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та республика ва 4 та халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 5 та мақола, жумладан 3 таси хорижий ва 2 таси Республика журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қишлоқ электр тармоғида кабель линиясининг оптимал қуриш тенденцияси таҳлили**» деб номланган биринчи бобида, диссертация мавзуси доирасида хорижий ва республикада нашр этилган адабий маълумотлар шарҳланган. Жумладан, қишлоқ электр тармоқларининг (ҚЭТ) замонавий ҳолати, электр тармоқларини чегараланган параметрлар сони билан қуриш ва уларни оптималлаштириш тажрибаси ҳамда қишлоқ электр тармоқларида кабель линияларини қуришнинг оптимал тенденциясини таҳлили келтирилган.

ҚЭТда юкламаларнинг доимий равишда ошиб бориши шароитида электр узатиш линияларини, биринчи навбатда ҳаво ва кабель линияларининг (КЛ) кесим юзаларини тўғри танлаш керак. КЛ ўтказиш қобилиятини ошириш мураккаблиги туфайли ривожланаётган қишлоқ электр тармоқларида кабеллардан фойдаланиш ва уларнинг оптимал кесим юзасини танлаш зарур бўлади.

Бунинг учун дастлаб динамик ўзгарувчан юклама остидаги КЛ ривожланишининг оптимал тенденцияси аниқланади. Тадқиқотларда юклама ўсишини экспоненциал (кўрсаткичли), чизиқли ва оддий ўзгартирилган

кўрсаткичли қонуниятлари бўйича кўриб чиқилади. Юкламанинг ўсиш қонуниятлари график тарзда 1-расмда кўрсатилган.



1 - экспоненциал; 2 - чизиқли; 3 - ўзгартирилган экспоненциалли
1-расм. Юкламанинг ўсиш қонуниятлари

Юклама ўсишининг экспоненциал функцияси:

$$S_t = S_0(1 + k_{\text{ўс}})^t \quad \text{ёки} \quad S_t = S_T(1 + k_{\text{ўс}})^{t-T} \quad (1)$$

бунда: S_0 – бошланғич юклама; $k_{\text{ўс}}$ – юкламани ўсиш коэффиценти; S_T – ҳисоб даври охиридаги юклама.

Юклама ўсишининг чизиқли функцияси:

$$S_T = S_0(1 + k_{\text{ўс}}T) \quad \text{ёки} \quad S_t = S_T(1 + k_{\text{ўс}}T)^{-1}(1 + k_{\text{ўс}}t) \quad (2)$$

Юклама ўсишининг оддий ўзгартирилганган экспоненциал функцияси:

$$S_t = S_T \left[1 - \left(1 - \frac{1}{k_T} \right) m^t \right] \quad (3)$$

бунда: m – юкламанинг динамик ўсиш коэффиценти. k_T – юклама ўсишининг карралик коэффиценти:


$$k_T = \frac{S_T}{S_0} \quad (4)$$

Тадқиқотларни амалга ошириш учун КЛ ни оптимал қуришнинг динамик дастурлашга асосланган тадқиқот оптималлаштириш модели ишлаб чиқилди. Бунда ҳисоблар асосий меъзон бўлган - умумий харажатлар асосида амалга оширилади. Умумий харажатларнинг ифодаси қуйидагича бўлади:


$$Z = \sum_{t=1}^T [(E_M + p_a)(K_t - K_{t-1}) + \frac{(F_i + F_j)(1 + x^2 \gamma^2 F_i F_j) U_{\text{и}}}{[(F_i + F_j)^2 + 4x^2 \gamma^2 F_i^2 F_j^2] U_{\text{н}}^2 \gamma \cos^2 \varphi} \times (P_t^2 - P_{t-1}^2) 10^{-5}] l (1 + E_{\text{МК}})^{1-t} \quad (5)$$

бунда: P_t – t йилдаги актив юклама; P_{t-1} – $t - 1$ йилдаги актив юклама; x – кабельнинг реактив қаршилиги; $\cos \varphi$ – қувват коэффиценти; F_i, F_j – ҳамда j – кабель кесим юзалари.

Таклиф этилган оптималлаштириш модели ёрдамида динамик дастурлаш асосида тадқиқотни ўтказиш алгоритми ва дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурлаш асосида олинган натижалар 2 ва 3-расмларда келтирилган.



Ҳисобий давр T : — — — 10 йил; — · — 15 йил; — — — 20 йил; — — — 30 йил
2-расм. Турли ҳисобий даврларда чекловларни ҳисобга олган ҳолда линия кесим юзаларини танлаш.



Ҳисобий давр T : — — — 10 йил; — · — 15 йил; — — — 20 йил; — — — 30 йил
3-расм. Турли ҳисобий даврларда чекловларни ҳисобга олмаган ҳолда линия кесим юзаларини танлаш.

Кабель кесим юзаларини танлаш техник чекловларни (рухсат этилган ток ва кучланиш йўқотилиши бўйича) ҳисобга олиб ва олмасдан амалга оширилган. Бунда ҳисоб даври сифатида: 10 , 15, 20 ва 30 йиллар олинган.

Чеклов шартларини ҳисобга олган ҳолда оптималлаштириш моделига оид тадқиқотлар қуйидагиларни кўрсатди. Ҳисоблаш даври 20 йилгача бўлган кабель кесим юзаларини мақбул танлаш тенденцияси шундан иборатки, бутун давр мобайнида дастлабки юкламага қараб кабелнинг оптимал кесим юзаси танланади ва эксплуатация жараёнида линияда юклама қобилиятини ошириш амалга оширилмайди. Ҳисобий давр давомийлиги T нинг ошиши билан кабелларининг кесим юзаларини танлаш тенденцияси бироз ўзгаради. Дастлабки юкламанинг кийматига қараб, барча ҳисобий давр учун битта кабелли линия ёки маълум даврдан сўнг - биринчи кабелга параллел равишда иккинчиси ётқизилади.

Дастлабки юклама ортиб бориши билан ҳисобий даврининг бошида мўлжалланган кабель кесим юзалари номинал кесим юзалари шкаласи бўйича деярли кетма-кет ортиб боровчи тартибда танланади (2-расм).

Худди шу тадқиқотлар қабул қилинган чекловларни ҳисобга олмаган ҳолда ҳам ўтказилди (3- расм). Бундай ҳолда бутун ҳисобий давр мобайнида фақат битта КЛни танлаш энг яхши тенденция ҳисобланади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам КЛларнинг кесим юзаларини танлаш тенденциялари 15 йилгача ҳисобий давр учун мос келади.

Кесим юзаларини танлаш учун белгиланган оптимал тенденция юклама ўсишининг қонуниятлари учун ҳам амал қилиниши маълум бўлди ва бунда фақат чегаравий ва бошланғич юкламалар ўзгаради.

Оптималлаштириш моделидан олинган натижалар 15 йилгача бўлган ҳисобий давр учун кабель кесим юзасини ушбу даврдаги юкламага асосланиб танлаш тенденциясини ва рухсат этилган ток ҳамда кучланиш исрофлари чекловлари кесим юзасини танлашга таъсир этмаслигини кўрсатди. Одатда кабель линияларининг хизмат қилиш муддатида (30 йил) кабелларнинг кесим юзаларини танлашнинг белгиланган маъқул тенденция сақланиб қолади. Бироқ, бу ҳолда қабул қилинган чекловларнинг таъсири сезирарли бўлади, бунинг натижасида 20 йил ёки ундан юқори бўлган эксплуатациядан кейинги даврда - иккинчи кабелни параллел равишда ётқизиш маъқул ҳисобланади.

Диссертациянинг **«Кабель линияларининг кесим юзаларини танлаш учун иқтисодий юкламалар интервали»** деб номланган иккинчи боби кишлоқ электр узатиш линияларининг оптимал кесим юзаси ва уларнинг шкаласини иқтисодий интерваллар усули асосида танлаш масаласига бағишланган.

Кабель линиялари кесим юзасини танлаш учун ҳозирги вақтгача токнинг иқтисодий зичлиги қўлланиб келинади, лекин бу умумий харажатларнинг минимумига тўғри келмайди. Шунинг учун кабелларнинг кесим юзасини танлаш учун иқтисодий интервалларни аниқлаш ва шу билан боғлиқ масалаларни юклама ўсиш динамикасини ҳисобга олиб ечиш керак бўлади.

Бунда, юклама ўсиш динамикасини ҳисобга олмаган ҳолда иқтисодий интерваллар чегараси қуйидагича аниқланади:

$$S_{\text{чег}} = \sqrt{\frac{(E_M + p_a)(K_{i+1} - K_i)U_H^2 \gamma F_{i+1} F_i 10^5}{U_H(F_{i+1} - F_i)}} \quad (6)$$

бунда: F_i ва F_{i+1} – стандарт кўндаланг кесим юзалари; E_M – меъерий самарадорлик коэффитциенти, p_a – амортизация чегирмаларини меъерий коэффитциенти; U_H – номинал кучланиш; K_i ва K_{i+1} – капитал маблағлар миқдорлари; U_H – электр энергия исрофларини қоплаш харажатлари.

Юклама ўсиш динамикасини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий интерваллар чегараси қуйидагича аниқланади:

$$S_{\text{чег}} = \sqrt{\frac{(E_M + p_a)(K_{i+1} - K_i)U_H^2 \gamma F_i F_{i+1} 10^5}{U_H(F_{i+1} - F_i)A}} \quad (7)$$

бунда: A – юкломанинг ўсиш қонуниятини аниқловчи коэффитциент.


Юкломани ўсиш қонунларини ҳисобга олиш учун силжиш коэффитциенти қулай ҳисобланади. Силжиш коэффитциенти k_c қуйидагига тенг бўлади:

$$k_c = A^{-\frac{1}{2}} \quad (8)$$

Силжиш коэффитциенти кабельларининг кесим юзасига боғлиқ эмас ва амалда юкломани нисбий ўсиш коэффитциенти (юклама ортишининг қарралиги) ва ҳисобий давр билан аниқланади.


Юклама ўсишининг турли қонуниятларининг силжиш коэффитциентига таъсирини ўрганиш учун тегишли ҳисоблар бажарилди. Ҳисоблаш натижалари 4 ва 5 - расмларда келтирилган.

Мумкин бўлган барча ҳолларда силжиш коэффитциенти ҳар доим бирдан катта бўлади ва шунинг учун юкломанинг иқтисодий интерваллари чегараси, юкломаси ўзгарадиган линияларникига қараганда ҳар доим катта бўлади. Демак, юкломанинг ўзгаришини ҳисобга олмасдан юкломанинг иқтисодий интерваллари чегараларини аниқлаб ва силжиш коэффитциентларидан фойдаланиб, юкломанинг ҳар қандай қонуниятини бўйича иқтисодий интерваллар чегаралари аниқланади.



$T = 15$ йил; — $k_c^{\text{э}}$; - - - $k_c^{\text{ч}}$; - · - $k_c^{\text{ўэ}}$;

4-расм. Силжиш коэффитциентларини k_T ўзгаришига боғлиқлиги



$T = 30$ йил; — k_c^a ; - - - $k_c^ч$; - · - $k_c^яэ$

5-расм. Силжиш коэффициентларини k_T ўзгаришига боғлиқлиги.

Оптималлаштириш моделида олинган юклама чегараларини иқтисодий юклама интерваллари билан таққослаш қуйидагиларни кўрсатди. Узоқ муддатли рухсат этилган тоқлар ва кучланиш йўқотилиши бўйича чекловларни олиб ташлаганда дастурий таъминот томонидан белгиланган юклама чегаралари деярли оптималлаштириш модели ёрдамида силжиш коэффициентини k_c ҳисобга олиб аниқланган юкламанинг иқтисодий интерваллари билан мос келади (1,2-жадваллар).

1-жадвал.

k_c ни ҳисобга олган ҳолда иқтисодий юклама интервалларининг юқори чегаралари

Кўндаланг кесим юзаси, мм ²	Ҳисоб даври, йил			
	10	15	20	30
16	269	310	363	513
25	441	507	594	839
35	569	655	767	1086
50	944	1087	1272	1798
70	1169	1346	1575	2227
95	1456	1675	1954	2772
120	2009	2312	2707	3826
150	2417	2782	3257	4604
185	2856	3291	3853	5445

2-жадвал.

Модель бўйича иқтисодий юклама интервалларининг юқори чегаралари

Кўндаланг кесим юзаси, мм ²	Ҳисоб даври, йил			
	10	15	20	30
16	268	311	361	525
25	443	503	594	831
35	567	658	765	1051
50	948	1095	1274	1795
70	1170	1346	1572	2232
95	1453	1672	1954	2801
120	2009	2315	2718	3852
150	-	2781	3250	4596
185	-	-	3865	5472

Яъни ҳар қандай ҳисобий давр учун иқтисодий интервалларнинг чегаралари бир-бирига тўғри келади. Бундай таққослаш асосида тақлиф этилган оптималлаштириш модели тўғри деган хулосага келиш мумкин.

Иқтисодий интерваллар усули ва чекловларни ҳисобга олган оптималлаштириш модели 10 ва 15 йил ҳисобий даврлари учун олинган иқтисодий интервалларнинг чегаралари деярли бир хил (нисбий хатолик 1% дан ошмайди, яъни тафовут ҳисобларнинг аниқлиги билан изоҳланади). $T = 20$ йил бўлганда кабель линиясининг 50, 120, 150 ва 185 мм² кесим юзалари учун юкламанинг иқтисодий интервалларининг юқори чегаралари бир-бирига тўғри келмайди. Лекин, бошқа кесим юзалар учун юкламанинг иқтисодий интерваллари чегаралари деярли бир хил бўлади.

Диссертациянинг «**Кабель стандарт кесим юзаларининг мақсадга мувофиқ шкаласини ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи бобда тармоқни оптимал ривожлантириш учун тармоқ элементининг параметрини мавжуд стандарт ўлчам шкаласидан танлаш, кабелларнинг стандарт кесим юзалари шкаласини оптималлаштириш ёки уларнинг оптималлигини аниқлаш масалалари кўриб чиқилган.

Бунинг учун қишлоқ жойлардаги линияга мўлжалланган кабелларнинг кесим юзаларининг оптимал қаторини қуриш учун иқтисодий юклама интерваллари усулидан фойдаланилган. Бундай ёндашув умумий харажатларнинг оптималдан рухсат этилган ўсишини чеклаш тамойилига асосланади. Бунда оптималлик мезони сифатида - умумий харажатлар минимуми қабул қилинган.

Бу масалани ечишда шкаланинг дастлабки ва охири қийматларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Кабелларнинг дастлабки кесим юзаси асосан минимал юкламалар билан аниқланади. Охири кесим юза эса - энг катта юклама тоқлари ёки максимал қисқа тутушув тоқлари билан аниқланади.

Қишлоқ электр тармоқларида кабеллар учун узоқ муддатли рухсат этилган тоқлар бўйича охири кесим юза камида 75 мм² танланиши, иссиқлик барқарорлик шартларида эса кесим юза - камида 100 мм² бўлиши керак. Демак, қишлоқ кабель линиялари учун ўтказилган таҳлилга асосланиб, шкаланинг якуний кесим юзасини 120 мм² га тенг деб олиш ва шкаланинг бошланғич кесим юзаси эса - тадқиқот жараёнида аниқланиши керак.

Лойиҳалаш ва илмий-техник тадқиқотлар амалиётида, агар таққосланаётган вариантлар иқтисодий жиҳатдан 3-5% дан кўп бўлмаган ҳолда фарқ қилса, бу вариантлар иқтисодий жиҳатдан эквивалент деб қабул қилинади. Бу ҳолат оптимал қаторларни аниқлашга ёндашувлардан бири бўлиб, бунда стандарт кесим юзалар шкаласидан оптимал бўлган биттасидан фойдаланилганда ҳақиқий харажатларнинг оғиши 3-5% ни ташкил қилади.

Стандарт шкаладаги оптимал кесим юзасидан фойдаланганда ҳақиқий харажатларнинг оғиши қуйидагига тенг бўлади:

$$Z_x = (1 + \delta)Z_0 \quad (9)$$

бунда: δ – ҳақиқий харажатларни оптималдан оғиши, 0,03-0,05 деб олинади. Харажатларнинг нисбий ўзгариши эса қуйидагига тенг бўлади:

$$\delta_i^{\text{II}} = \frac{(\sqrt{F_i} - \sqrt{F_{i-1}})^2}{\frac{K_0}{k} + 2\sqrt{F_{i-1}F_i}} \quad \text{ва} \quad \delta_i^{\text{Ю}} = \frac{(\sqrt{F_{i+1}} - \sqrt{F_i})^2}{\frac{K_0}{k} + 2\sqrt{F_iF_{i+1}}} \quad (10)$$


Ифодалардан шундай хулоса келиб чиқадики, иқтисодий кесим юзадан четга чиқишда харажатларнинг нисбий оғиш қиймати фақат қўшни стандарт кесим юзалар нисбати билан ва линия нархларининг ўзгармас таркибий қисми K_0 қийматини қимматлашиш коэффициентига k нисбати билан аниқланади. K_0/k нисбати қиймати кенг диапазонда – 92,73 дан 124,02 гача ўзгариб туради. Ўрта арифметиги - 116,62 ва ўрта квадрати - 112,27 тенг бўлади. Ушбу маълумотлар асосида $\delta_i^{\text{Ю}}$ қийматлари ҳисоблаб чиқилди ва 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал.

Иқтисодий кесим юзадан оғанда харажатларнинг нисбий ўзгариши катталиги

Кесим юзаси, мм ²	K_0/k да харажатларнинг нисбий ўзгариши							
	97,22	118,90	92,73	115,92	124,02	120,91	112,27	116,62
16	0,0073	0,0063	0,0075	0,0064	0,0061	0,0062	0,0066	0,0064
25	0,0054	0,0047	0,0055	0,0048	0,0046	0,0047	0,0049	0,0048
35	0,0074	0,0066	0,0076	0,0067	0,0064	0,0065	0,0068	0,0067
50	0,0078	0,0071	0,0080	0,0072	0,0069	0,0070	0,0073	0,0071
70	0,0073	0,0068	0,0074	0,0068	0,0066	0,0067	0,0069	0,0068
95	0,0047	0,0044	0,0048	0,0044	0,0043	0,0044	0,0045	0,0044
120	0,0046	0,0043	0,0046	0,0044	0,0043	0,0043	0,0044	0,0043
150	0,0043	0,0041	0,0043	0,0041	0,0040	0,0040	0,0041	0,0041
185	0,0069	0,0066	0,0070	0,0067	0,0066	0,0066	0,0067	0,0066

Демак ҳақиқий харажатларнинг иқтисодий харажатлардан рухсат этилган (3-5%) оғишини ҳисобга олиш стандарт қатордаги айрим кесим юзалардан фойдаланмаслик имконини беради (6-расм). Бу эса, стандарт кабель кесим юзаларининг мавжуд шкаласининг техник-иқтисодий асосланмаганлиги ва иқтисодий шароитларига жавоб берадиган янги шкала ишлаб чиқиш зарурлигини билдиради.



6-расм. Юкламаларнинг иқтисодий интерваллари ўзгариши, $\delta = 0,05$


Ҳозирги вақтда арифметик ёки геометрик прогрессия принципи бўйича доимий қадам билан стандарт катталиқлар кетма-кетлигини қуриш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Кесим юзаларнинг мавжуд қатори тахминан геометрик прогрессияга бўйсунди:

$$q = \frac{F_{i+1}}{F_i} \quad (11)$$


Стандарт ўлчамлар қаторини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$q = \left[(1 + \delta) + \sqrt{(1 + \delta)^2 - \left(1 + \frac{K_0 \delta}{k F_0}\right)} \right]^2 \quad (12)$$

Олинган (12) ифодадан кўриниб турибдики, шкала қадамнинг катталиги фақат иқтисодий кесим юзадан четга чиқишда харажатларнинг нисбий ўзгариши қийматига ва линия нархини ўзгармас таркибий қисмига ва линиянинг қимматлашиш коэффициентига, шунингдек шкаланинг бошланғич кесим юзасига боғлиқ. Шкаланинг ўсиш қадамнинг бошланғич кесим юзасига ва K_0/k нисбатга боғлиқлиги 7-расмда кўрсатилган. 7-а расмда $F_0 = 16 \text{ мм}^2$ ва 7-б расмда $\delta = 0,05$ ва $\frac{K_0}{k} = 112,27$ га тенг.



а)



б)

7-расм. Шкала қадамнинг $\frac{K_0}{k}$, F_0 , ва δ боғлиқ ҳолда ўзгариши

Бунда кабелларнинг 10, 16 ва 25 мм² бошланғич кесим юзалари учун мос равишда кесим юзалар шкаласининг қадами қиймати 3,48; 2,97 ва 2,63 га тенг бўлади. Бунда 8 та стандарт кесим юза ўрнига фақат учта юздан фойдаланиш мумкин. Бу ҳолда қуйидаги кесим юзалар шкалаларини олиш мумкин: 10, 35, 120 мм²; 16, 50, 150 мм²; 25, 70, 150 мм².

Чекланган миқдордаги стандарт кабель кесим юзаларидан фойдаланиш сабабли КЛда қувват исрофини камайишини ҳисоблаш амалга оширилди. Ҳисоблар Тошкент вилояти туманларида мавжуд Қишлоқ ЭТ учун амалга оширилди. Паст кучланишли электр тармоқларни модернизация қилиш, янгилаш вақтида КЛнинг оптимал кесим юзалари ва уларнинг сони бўйича ҳисоблар амалга оширилди ва тегишли тавсиялар берилди. Бунда паст кучланишли электр тармоқларида электр энергия исрофи сезиларли даражада

камаяди. Бунда, солиштирма электр энергияси исрофининг камайиши 10/0,38 кВли ТП шинасидаги 1 кВт юклама учун 15 кВт соатни ташкил этади ва бир туман учун электр энегияси исрофи камайиши йилига 427500 кВт·соатни ташкил этади.

Диссертациянинг тўртинчи «Қишлоқ жойларда кабель линияларининг ишончлилик кўрсаткичларини тадқиқ қилиш» деб номланган бобида статистик маълумотлар асосида қишлоқ жойлардаги кабель линияларининг ишончлилик кўрсаткичларини аниқлаш имконини берувчи усул ишлаб чиқилди ва бу усул асосида кабель линияларининг ҳисобий ишончлилик кўрсаткичлари аниқланди.

Қишлоқ хўжалиги истеъмолчилари электр таъминотининг ишончлилик кўрсаткичи сифатида ҳозирги вақтда узилишларнинг эквивалент муддати қабул қилинган бўлиб, унинг қиймати тармоқ элементларининг, асосан линияларнинг ишончлиликка боғлиқ.

Узилишларнинг эквивалент давомийлиги қуйидагича аниқланади:

$$T_x = \alpha_{\text{сол}} l_{\text{ум}} = (\omega\tau + \gamma_p \nu\vartheta) \quad (13)$$

бунда: $\alpha_{\text{сол}}$ - линиялардаги узилишларнинг солиштирма эквивалент давомийлиги; $l_{\text{ум}}$ - линия участкаларининг умумий узунлиги, км; ω , ν - мос равишда, узилишлар ва олдиндан ўчирилишларнинг нисбий частотаси, 1/йил.км; τ , ϑ - линияни бир тикланиш ва хизмат кўрсатишнинг ўртача вақти (олдиндан ўчирилишлардан сунг тикланиши), соат; γ_p - режавий узилишларнинг оқибатини ҳисобга олувчи коэффициент, 0.33 га тенг.

Ифодадаги кўрсаткичларнинг қийматлари мавжуд тармоқлар бўйича статистик маълумотларни қайта ишлаш орқали топилади.

КЛ узилишлари частотасини белгиловчи омилларни таснифига кўра шаҳар ва қишлоқ КЛларининг узилишлари электр ва бевосита механикларга бўлинади. Бунда, КЛ учун узилишлар частотаси:

$$\omega = \omega_{\text{эл}} + \omega_{\text{мех}} \quad (14)$$

бунда: $\omega_{\text{эл}}$ - электр узилишлар; $\omega_{\text{мех}}$ - механик узилишлар.

Кабель линияларни ўртача тикланиш вақти τ :

$$\tau = \frac{\omega_{\text{эл}}}{\omega} \tau_{\text{эл}} + \frac{\omega_{\text{мех}}}{\omega} \tau_{\text{мех}} \quad (15)$$

бунда $\tau_{\text{эл}}$ - электр узилишларининг ўртача тикланиш вақти; $\tau_{\text{мех}}$ - механик узилишларининг ўртача тикланиш вақти;

Кабель линиялари учун ўртача хизмат даври ϑ :

$$\vartheta = k_k \vartheta_{\text{иш.чиқ}} + (1 - k_k) \vartheta_m \quad (16)$$

бунда: k_k - профилактика синовлари пайтида узилишлар сонини умумий профилактика синовлари сонига нисбатини кўрсатувчи коэффициент; $\vartheta_{\text{иш.чиқ}}$ - профилактик синов пайтида ишдан чиқиш ҳолатидаги ўртача хизмат вақти; ϑ_m - муваффақиятли профилактика синовида ўртача хизмат кўрсатиш вақти.

Таклиф қилинган усул асосида қишлоқ кабель линияларининг ишончилилик кўрсаткичлари аниқланди. Қишлоқ электр тармоқларидаги кабель линияларининг узилиш кўрсаткичлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги мавжуд кабель электр тармоқлари бўйича олинди.

Қишлоқ жойларда КЛларининг ишончилигини ҳисоблаш натижалари 5-жадвалда кўрсатилган. Бу ерда таққослаш учун ҲЛларининг ўхшаш кўрсаткичлари берилган.

5-жадвал.

Ҳаво ва кабель линияларининг ишончилилик кўрсаткичлари

Ишончилилик кўрсаткичлари	Электр узатиш линияси	
	Ҳаво	Кабель
Узилишлар частотаси ω , узил/км.йил	$\frac{0,05 \dots 0,25}{0,15}$	$\frac{0,01 \dots 0,03}{0,02}$
Ўртача тикланиш вақти τ , соат/узил	$\frac{3,5 \dots 7,5}{5,5}$	$\frac{12,9 \dots 19,5}{16,2}$
Олдиндан узилишлар частотаси ν , ўчиш/км.йил	$\frac{0,05 \dots 0,25}{0,15}$	$\frac{0,29 \dots 0,34}{0,31}$
Ўртача хизмат вақти ϑ , соат/ўчиш	$\frac{3,5 \dots 7,5}{5,5}$	$\frac{1,6 \dots 7,2}{4,0}$
Узилишларнинг солиштирма эквивалент давомийлиги α_p , соат/км.йил	$\frac{0,2 \dots 0,5}{1,1}$	$\frac{0,31 \dots 1,39}{0,75}$

Маълумотлар таҳлили (5-жадвал) шуни кўрсатдики, КЛларининг ўртача узилишлар частотаси ҲЛларига қараганда бир неча баробар кам, тикланиш вақти эса - қарийб 3 баравар кўп. Лекин КЛлари учун ўртача хизмат вақти анча пастроқ. Шу билан бирга, авария билан боғлиқ бўлган КЛлари узилишларининг эквивалент давомийлиги ҲЛларига қараганда 2,5-3 баравар кам.

Қишлоқ жойларда ҲЛлари узилишларининг эквивалент давомийлиги кабель линияларига нисбатан тахминан 1,4 баробар каттадир. Бу КЛнинг ишдан чиқиш частотаси анча пастлиги билан изоҳланади.

Қишлоқ ЭТда КЛ дан фойдаланиш трансформаторнинг шикастланиш сонини сезиларли даражада камайтиради, бу эса ўз навбатида қишлоқ подстанцияларининг носозликлари сонини камайтиради. Бундан ташқари, ҳаво электр узатиш тармоқларидаги трансформаторларнинг шикастланиш даражаси кабель тармоқларига нисбатан тахминан 10 баробар юқори. Бунга ўта кучланишлар, 0,38 кВли ҲЛларида кўп миқдорда қисқа туташувлар ва бошқаларни трансформаторларга таъсири сабаб бўлади. Бу хулоса хорижий маълумотлар билан ҳам тасдиқланади (Германия, Полша ва Австрия).

Демак, қишлоқ электр тармоқларида КЛнинг элементларининг ишончилиги ҳаво линиялариникига нисбатан анча юқори. Бунда электр узилишларининг ўртача солиштирма давомийлиги йилига 0,75 соат/км (0,3 дан 1,5 соат/км гача) ташкил этади. Бундан ташқари қишлоқ жойларда КЛларидан фойдаланиш, ТПнинг бошқа ускуналарининг шикастланишлари сонини камайиши ҳисобига, 35/10 кВ ва 10/0,4 кВли ТПларнинг ишончилигини ошишига олиб келади.

ХУЛОСА

«Қишлоқ электр тармоқларининг энергия самарадорлиги ва ишончилигини линияларни унификациялаш асосида ошириш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ишлаб чиқилган оптималлаштириш модели ёрдамида линияларнинг кесим юзаси белгиланган давр юкламасига қараб ўзгарувчан юкламали тармоқларда кабель линияларнинг энг мақбул ривожланиш тенденциясини аниқлаш имконини берди.

2. Кабель линияларининг кесим юзаларини танлаш учун юкламаларни иқтисодий интервалларининг чегаралари, юклама интервалларининг қийматлари ва умумий харажатлар ўртасида муносабатлар ўрнатилди ҳамда юкламани ўзгариш динамикасининг иқтисодий интерваллар чегараларига таъсирини ҳисобга олиш имконини берадиган силжиш коэффициенти тақлиф этилди.

3. Кабелларнинг мавжуд номинал кесим юзаларининг шкаласи қишлоқ жойларда кабель линияларидан оптимал фойдаланиш шартларига жавоб бермаслиги ва уларда стандарт кесим юзалари сонининг кўплиги қишлоқ электр тармоқлари учун кабель линияларнинг номинал кесим юзаларининг оптимал шкаласи 25, 50 ва 120 мм² бўлиши кераклигини аниқлаш имконини берди.

4. Электр тармоқларида чекланган миқдордаги стандарт кесим юзалар қўлланилганда электр энергияси солиштирма исрофининг камайиши 10/0,38 кВли трансформатор подстанция шинасидаги 1 кВт юклама учун ўртача 15 кВт·соат ни ташкил этиб, йилига 427500 кВт·соат электр энергия исроф бўлишининг олдини олишга эришилди.

5. Статистик маълумотлар асосида қишлоқ жойлардаги кабель линияларининг ишончлилик кўрсаткичларини аниқлаш имконини берадиган усул асосида уларнинг ҳисобий ишончлилик кўрсаткичлари аниқланди ва бунда кабель линиялари узилишларининг ўртача солиштирма эквивалент давомийлиги йилига 0,75 соат/км, ўлчаш чегараси эса - 0,3 дан 1,5 соат/км гачани ташкил этиши маълум бўлди.

6. Қишлоқ электр тармоқларида кабель линияларидан фойдаланиш трансформатор ва подстанция ускуналарининг шикастланишларини камайиши ҳисобига 35/10 кВ ва 10/0,4 кВли трансформатор подстанцияларининг ишончилигини ошириш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ИНСТИТУТЕ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГОРНЫЙ ИНСТИТУТ

РАХИМОВ ФАРРУХ МОВЛИДИНОВИЧ

**ПОВЫШЕНИЕ ЭНЕРГОЭФФЕКТИВНОСТИ И НАДЁЖНОСТИ
СЕЛЬСКИХ ЭЛЕКТРИЧЕСКИХ СЕТЕЙ НА ОСНОВЕ УНИФИКАЦИИ
ЛИНИЙ**

05.05.07 – «Электротехнологии и электрооборудование в сельском хозяйстве»

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером № В2020.2.PhD/Т1642

Диссертация выполнена в Навоийском государственном горном институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tiame.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Таслимов Абдурахим Дехканович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Юсубалиев Аширбой
доктор технических наук, профессор

Қодиров Дилшод Ботирович
доктор философии по техническим наукам (PhD), доцент

Ведущая организация:

АО «Узэнергоинжинеринг»

Защита диссертации состоится «17» февраля 2020 г. в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (Адрес: 100000, г.Ташкент, ул. Кары Ниязи, 39. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (регистрационный номер 56). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниязи, 39. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz).

Автореферат диссертации разослан «18» февраля 2021 года.
(протокол рассылки № 3 от «18» февраля 2021 г).



Б.С.Мирзаев

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор технических наук, профессор

У.Т.Кузиев

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.ф.т.н. (PhD), доцент

Х.М.Муратов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степени, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (PhD) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире особое внимание уделяется решению задач по надежному обеспечению сельскохозяйственного производства необходимым количеством электроэнергии, что требует дальнейшего развития электрических сетей сельскохозяйственного назначения, в том числе и применения кабельных линий с целью повышения надежности электроснабжения потребителей в сельской местности и качества передаваемой электроэнергии. Большое значение в этом направлении приобретает совершенствование методов выбора элементов сельских электрических сетей¹. В этой связи важной задачей является повышение надежности электроснабжения сельскохозяйственных потребителей с применением кабельных сетей и снижение потерь электроэнергии в кабельных линиях за счет применения их оптимальных параметров при проектировании, реконструкции, модернизации и эксплуатации сельских электрических сетей.

В мире для развития энергетики проводятся научно-исследовательские работы по строительству новых, модернизации и реконструкции действующих электрических сетей. В том числе, можно показать, работы направленные на снижение потерь электроэнергии в системе электроснабжения из-за значительного увеличения электрических нагрузок и электропотребления сельских потребителей и внедрения энерго- и ресурсосберегающих технологии. В данном направлении при оптимальном построении сельских электрических сетей нашей страны, одной из важных задач является обеспечение экономичности передачи и распределения электроэнергии, повышение надежности электроснабжения, особенно значительное снижение потерь электроэнергии в низковольтных электрических сетях.

В нашей республике для развития электроэнергетики проводятся широкомасштабные мероприятия по использованию современного подхода для выбора основных параметров энергетических систем, в том числе особое внимание уделяется разработкам методов оптимального построения, обновления и повышения надежности сельских электрических сетей. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы поставлена задача «... сокращение энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий, реализуемых по целевым параметрам снижения энергоемкости в отраслях экономики...»². Для выполнения указанных задач, в частности, определения оптимальных параметров электросетей и повышения их надежности важным является проведение теоретических и научных работ и получение соответствующих

¹ <https://www.energy.gov/sites/prod/files/oeprod/DocumentsandMedia/primer.pdf>

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

рекомендаций по их внедрению при проектировании, сооружении, модернизации и эксплуатации сельских электрических сетей.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-3981 от 23 октября 2018 г. «О мерах по ускоренному развитию и обеспечению финансовой устойчивости электроэнергетической отрасли» и № ПП-2661 от 23 ноября 2016 г. «О программе по дальнейшей модернизации и обновлению низковольтных электрических сетей на период 2017-2021 г.г.», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в этой отрасли.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение»

Степень изученности проблемы. Научные исследования и проблемы выбора параметров элементов электроэнергетических систем, систем электроснабжения городов, промышленных предприятий и сельского хозяйства рассмотрены в работах ряда зарубежных учёных, в частности: И.С. Бессмертного, М.Д. Каменского, Г.В. Некрасова, В.Г. Сербиновского, В.М. Холмского, В.М. Хрущева, В.А. Козлова, В.Д. Лордкипанидзе, В.А. Веникова, И.М. Марковича, Ю.Н. Астахова, В.А. Строева, А.А. Глазунова, Э.Н. Зуева, И.А. Будзко, М.С. Левина, Б.И. Кудрина, Т.Б. Лещинской, Д.Д. Карасева, И.Г. Гордиевского, В.И. Свешникова, А.Н. Киселева, С.А. Гордина, С.Н. Ефентьева, Р.В. Солопова и других.

Вопросами разработки и совершенствования методов выбора элементов энергетических систем и систем электроснабжения в условиях Узбекистана занимались Х.Ф. Фазылов, Т.Х. Насыров, К.Р. Аллаев, Т.Ш. Гайилов, Р.А. Сиддилов, А.Д. Таслимов, Х.М. Муратов, А.Ж. Исаков, Ш.М. Музаффаров, А.Юсубалиев и другие.

